



20 21 yil "07" 02 № 84

Navoiy sh.

BUYRUQ

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти фаолиятининг очиклик ва шаффофлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти фаолиятида очиклик ва шаффофлик, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 170-сонли қарорига асосан ўзгаришларни инобатга олиб,

Б У Ю Р А М А Н :

1. “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти фаолиятида очиклик ва шаффофлик, ахборот олиш эркинлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони ижро ва назорат учун қабул қилинсин.

2. “НКМК” АЖ фаолиятига оид эълон қилиниши лозим бўлган очик маълумотлар ҳамда белгиланган масъуллар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 808-сонли қарорнинг 3-банди кўрсатилган талабларга мувофиқ “НКМК” АЖ портални юритиш ва уни янада такомиллаштириш мақсадида, қуйидагилар асосий вазифалар белгилансин:

– очик маълумотлар тўпламларини тасдиқланган Рўйхатда белгиланган муддатларга қатъий риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталида ва “НКМК” АЖнинг расмий веб-сайтида жойлаштириб бориш ҳамда уларнинг айнан бир хил ва ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

– порталда жойлаштирилган очик маълумотлар тўпламларининг долзарблигини таъминлаш;

– устувор халқаро маълумотлар базалари кўрсаткичлари ва соҳадаги нуфузли хорижий ташкилотлар тавсияларини инобатга олган ҳолда таклифлар киритиш;

– маълумотларни тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталида жойлаштириш, шунингдек уни мунтазам янгилаб туришга масъул юқори малакали ходимларни бириктириш ва доимий равишда уларнинг малакасини ошириб боришни таъминлаш;

– корпоратив ахборот ягона порталига маълумотлар ўз муддатида ва сифатли киритиб борилишини учун “НКМК” АЖ масъуллигини белгилаш.

4. Молиявий ишлар бўйича директор (Шаймарданов), Бюджетлаштириш ва контроллинг бўлими бошлиғи (Костаев), Бош бухгалтер (Новикова)га **ҳар йили 1 мартга қадар** “НКМК” АЖ фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтига жойлаштириб, **10 мартга қадар** жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида эълон қилинсин.


5. Молиявий ишлар бўйича директор (Шаймарданов), Бюджетлаштириш ва контроллинг бўлими бошлиғи (Костаев), Бош бухгалтер (Новикова), Жамоатчилик билан алоқалар бўйича директор (Раупов)га **ҳар йили 1 апрелга қадар** “НКМК” АЖ фаолиятига оид ҳисоботларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи (Давлатов) **2022 йил 10 февралгача** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 808-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар портали тўғрисидаги Низомнинг 2-иловасига мувофиқ “НКМК” АЖ очик маълумотлар тўплами паспортининг янги намуна бўйича тўлдирилиши таъминласин.

7. Белгилансинки, иловада келтирилган бўлинмалар раҳбарлари фаолиятига тааллуқли маълумотларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрлаш, белгиланган муддатда маълумотларни янгилаб бориш, ахборотлар тўғрилиги ва Ахборот коммуникация технологиялари бошқармасига тақдим этиб боришга шахсан жавобгардир.

8. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Комплаенс хизмати бошлиғи А.С.Солиев ва тегишлилиги бўйича бош директор ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

Бошқарув раиси - Бош директор



Қ.С. Санақулов

**“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
 фаолиятига оид эълон қилиниши лозим бўлган очик маълумотлар ҳамда белгиланган масъуллар
 РЎЙХАТИ**

Т/р	Очик маълумотлар тури	Маълумот жойлаштириладиган ресурс	Янгилаш муддати	Жойлаштириш учун масъуллар
1.	“НКМК” АЖ фаолиятига оид ҳисоботи.	ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар йили 1 мартга қадар	Бюджетлаштириш ва контроллинг бўлими, АКТБ
2.	Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан давлат харидларини амалга оширувчи шахслар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар.	Очик маълумотлар портали, ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар	Харидларни ташкил этиш ва методологиясини такомиллаштириш бош бошқармаси, АКТБ
3.	Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари.	Очик маълумотлар портали, ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар	Марказий бухгалтерия хизмати, АКТБ
4.	Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар.	ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар йили 1 июлга ҳамда 25 декабрга қадар	Харидларни ташкил этиш ва методологиясини такомиллаштириш бош бошқармаси, АКТБ

Т/р	Очиқ маълумотлар тури	Маълумот жойлаштирилладиган ресурс	Янгилаш муддати	Жойлаштириш учун масъуллар
5.	Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар (давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини амалга ошираётган ташкилот, корхона худуди, солиқ тўловчининг идентификация рақами, давлат улуши тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар йили 1 июлга ҳамда 25 декабрга қадар	Корпоратив муносабатлар бўлими, АКТБ
6.	Акциядор, кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар йили 1 июлга ҳамда 25 декабрга қадар	Корпоратив муносабатлар бўлими, АКТБ
7.	Тасдиқланган йиллик бизнес режа билан бир қаторда, унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомобилотransпорт воситаларини сотиб олиш ҳамда сақлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар.	ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар	Капитал қурилиш бошқармаси, Автомобиль транспорти бўлими, Бюджетлаштириш ва контроллинг бўлими, АКТБ
8.	“НКМК” АЖ тасарруфидаги хизмат автомобилотransпорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар (тезкор-қидирув, ҳарбий ва бошқа махсус хизматларда фойдаланиладиган ашёлар бундан мустасно).	Очиқ маълумотлар портали, ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар	Автомобиль транспорти бўлими, АКТБ

Т/р	Очиқ маълумотлар тури	Маълумот жойлаштирилдиган ресурс	Янгилаш муддати	Жойлаштириш учун масъуллар
9.	“НКМК” АЖнинг тасдиқланган ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалари.	ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар йили 1 июль ҳамда 25 декабрга қадар	Бюджетлаштириш ва контроллинг бўлими, АКТБ
10.	“НКМК” АЖ раҳбарияти билан боғланиш учун маълумотлар ва қабул соатлари. Фуқаро мурожаат каналлари бўйича маълумот (телефон, веб-сайт ва электрон почта)	ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими, АКТБ
11.	“НКМК” АЖ бошқармаси ва тузилмаларининг манзиллари ҳамда геолокация маълумотлари ҳақида ахборот.	ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар	Кадрлар бошқармаси, АКТБ
12.	“НКМК” АЖнинг асосий кўрсаткичлари ва статистик ахборот.	ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар	Бюджетлаштириш ва контроллинг бўлими, АКТБ
13.	“НКМК” АЖ таркибига кирувчи бўлинмаларнинг манзиллари рўйхати ва бошқа боғланиш тўғрисида маълумот.	ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар	Кадрлар бошқармаси, АКТБ
14.	Мавжуд бўш ўринлар тўғрисида маълумот.	ngmk.uz расмий веб-сайти	Ҳар ойнинг 15-санасига қадар	Кадрлар бошқармаси, АКТБ